

ISSN 2524-0986



# АКТУАЛЬНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

Выпуск 5(25)

Часть 1

Переяслав-Хмельницкий  
2017



## АКТУАЛЬНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

ВЫПУСК 5(25)  
Часть 1

Май 2017 г.

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

Выходит –12 раз в год (ежемесячно)  
Издается с июня 2015 года

Включен в научометрические базы:

**РИНЦ** [http://elibrary.ru/title\\_about.asp?id=56411](http://elibrary.ru/title_about.asp?id=56411)

**Google Scholar**

<https://scholar.google.com.ua/citations?user=JP57y1kAAAAJ&hl=uk>

**Бібліометрика української науки**

[http://nbuvuiap.gov.ua/bpnu/index.php?page\\_sites=journals](http://nbuvuiap.gov.ua/bpnu/index.php?page_sites=journals)

**Index Copernicus**

<http://journals.indexcopernicus.com/++++,p24785301,3.html>

Переяслав-Хмельницкий

УДК 371.31



Юлдашева Ш.Ш.

Уразбаева Д.А.

Юлдашева Шахло Шукурлаевна,  
Уразбаева Дилноза Алимбаевна  
Нукус давлат  
педагогика институти  
(Нукус, Узбекистон)

ОНА ТИЛИНИ ЎҚИТИШ  
ЖАРАЁНИНИ ДИДАКТИК  
ВОСИТАЛАР БИЛАН  
ТАЪМИНЛАШ: "МАШҚ Дафтари"  
ҲАҚИДА

**Аннотация.** Макролада она тили таълими учун "Машқ дафтари" дидактиши тажрибалари ҳақида бўён қилинган. "Машқ дафтари"га кўйиладиган дидактик, илмий-методик, санитар-гигиеник ва эстетик талабларнига тавсифномаси келтирилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** она тили таълими, ўқув-методик мажмуя, дидактик восита, машқ дафтари, топширик, дидактик талаб, илмий-методик талаб, санитар-гигиеник талаб, эстетик талаб.

Yuldasheva Shakhlo Sh., Urazbayeva Dilnoza A.  
Nukus State pedagogical Institute  
(Nukus, Uzbekistan)

PROVIDE WITH DIDACTIC FACILITIES IN THE PROCESS OF TEACHING  
NATIVE LANGUAGE

**Annotation.** The article deals with creating workbook for native language education. Here is given the didactic, scientific-methodological, sanitary-hygienic and aesthetic demanding on workbook.

**Keywords:** native language education, educational methodological complex, systaltic facilities, workbook, task, didactic demands, scientific-methodological demands, aesthetic demands.

Барча даврларда таълим-тарбия соҳасидаги испоҳотларда замонаний таълим даргоҳларини қуриш, таъмирлаш, жиҳозлаш, соҳа учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш билан бирга таълим воситалари, усулларини такомиллаштириш кўзда тутилган. Айниқса фан ва технологиялар асрида таълим воситалари янгиланиб, турлари кундан кунга кўпайиб бормоқда. Жусусан, она тили таълимида ҳам ўқув методик мажмууларнинг таркибида янги дидактик восита – "Машқ дафтари" пайдо бўлди. Узбекистонда бу дидактик восита янгиллик саналади: асосан чет тилларни ўқитиш жараёнига татбик қилинмоқда. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 157-сон қарорига ишда қилинган "Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим муассасалари учун

умуматальлим фанпаридан ўкув-методик мажмуаларнинг янги азодини ишлаб чиқишига қўйиладиган умумий талабларда ўкув-методик мажмуа – дарслик, машқ, дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мультимедияли иловасидан иборат мажмуа эканлиги қайд қилинган ва "Машқ дафтари" қўйидагича тавсифланган:

Машқ дафтари – дарсликнинг таркибий қисми ҳисобланадиган, давлат тълими стандартларига мувофиқ ўқувчилар томонидан зотланган билим ва кўнижмаларни мустаҳкамлаш ҳамда ўкув фанининг мавзуларига мос равишда ишлаб чиқилган, мантиқ ва тафақкурни ривожлантиришга қаратилган (кроссвордлар, бошқотирмалар, мантиқий фикрлашга ундовчи топшириқлар ва доказо) топшириқлардан иборат бўлган дидактик восита [1, 228 б.].

"Машқ дафтари"нинг тълими жарабёнига татбиқи хорижда тил ўқитишида "Workbook", "Рабочая тетрадь" каби дидактик воситаларнинг самарали қўлланилаётгани билан узаний болганади, албатта. Жумладан, Россия мактабларида "Рабочая тетрадь" ("Иш дафтари") – тайёр андоузалар билан ишлашга мўлжалланган босма ўкув қўлланмаси, ўкув материали ҳажмининг, айниқса амалий фаолиятнинг ортишига болник равишда ўқувчилар фаолиятининг бир тури, ўқитишининг бир шакли сифатида қўлланилиши кузатилади. А.Н. Мансуров, С.А. Чандаева, А.А. Шаповалов, шунингдек, Москва давлат педагогика институти ва Благовешенск давлат педагогика институтининг бир гурӯҳ олимлари томонидан, хусусан, И.Н. Верешагина ва В.И. Сиротин каби муаллифлар "Рабочая тетрадь"нинг босма нашрларини яратиш бўйича испанишлар олиб боришиган [2, 3, 4, 5].

Адабиётларда "Рабочая тетрадь"нинг қўлланилиши ўқитиши сифатига, тълими жарабёнининг самарадорлигига, шунингдек, ўқитишини индивидуаллаштириш, истикబолли илгор педагогик усусларни татбиқ этиш имкониятларини кенгайтиришга ижобий тъисир кўрсатиши талқидаланади.

Рус тилини ўқитишида фойдаланилаётган "Рабочая тетрадь" ("Иш дафтари") она тили тълиминига кириб келаетган "Машқ дафтари"ни ишлаб чиқишида муайян даражада андоза бўлиши мумкин. Шу асосда ва "Она тили"нинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда "Машқ дафтари"ни ишлаб чиқиш принциплари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- тълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари асосида яратилиши;
- ҳар бир синф кесимида яратилиши ва ўқувчиларнинг ахлий ва жисмоний имкониятлари, ёши, психофизиологик хусусиятлари, билим даражаси, қизиқишилари, пайдоатлари ҳисобга олинниши;
- ўқувчиларда ватанпарварлик ва миллий гурур ҳиссини шакллантиришга қаратилганили;
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар тълимининг зарур ҳажми ако этиши;
- ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ташкилотчилик қобилиятлари ва амалий тажриба кўнижмаларини ривожлантиришга йўналтирилганили.

Тълимининг Бу янги дидактик воситасига қўйиладиган дидактик, илмий-методик, санитар-лигеник, эстетик талаблар ҳам назардан четда қолмаслиги лозим.

"Машқ дафтари"ни ишлаб чиқишида қўйидаги дидактик талабларга амал қилиш зарур:

– ўрганилган мавзуни тақорплашга қаратилган бўлиши, яъни янги тушунчалар, атамалар, қондапар, таърифлар лутат кўринишида инфодаланган бўлиши;

– топшириқларнинг ҳар хил мураккабликда тақдим қилиниши, яъни ҳамма учун кулай ва табакалаштирилган бўлиши;

– илмий дунёқарашни шакллантириш, ватанпаварлик ва миллатлашаро тотуалик талабларига жавоб берниши, тафаккурни ривожлантиришга ёрдам берниши;

– назарий маълумотларни амалий ўрганишга мўлжалланиши, яъни таълимнинг кундалик ҳаёт ва амалиёт билан баглилиги, фанлараро интеграциянинг таъминланиши;

– топшириқларнинг расм, схема, жадваллар кўринишида тақдим қилиниши;

– топшириқларни мустакил бажариш учун кўрсатмалар келтирилиши;

– топшириқлар ечими учун етарли бўш жой колдирилиши кабилар.

“Машқ дафтари”ни ишлаб чиқишга кўйиладиган кўйидаги илмий-методик талабларни инобатга олиш зарур:

– “Она тили” фани мавзуларининг мазмунан яхлитлиги, сатҳлараро баглиликининг таъминланиши;

– машқлар шарти (сарлаҳаларининг) содда, тушунарли ва равон тилда аник баён қилиниши;

– бир тушунчанинг иккичилкни ако инфодаланишига, саналарни келтиришда мавжумлика йўл кўйилмаслиги;

– лойиҳали таълим хусусиятларини ако эттириши;

– фан-техниканинг сўнгти ютуқларини ако эттиришга, яъни ўкуучиларнинг фан-техника янгиликларидан хабардор бўлиш компетенциясини шакллантиришга қаратилиши;

– миллый гоя ва Ўзбекистон халқининг менталитетига зид бўлмаган тегишли иллюстрациялар билан бойитилиши (Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қиласи), яъни ўкуучиларнинг ижтимоий фаол фуқаролик, умуммаданий компетенцияларини шакллантиришга қаратилинлиги;

– ўкуучиларни мустакил фикрлашга, ёзишга, тасвирилашга, чизма чизишга, хисоблашга, тажрибалар ўтказишга ўргатиш, яъни коммуникатив, ахборот билан ишлаш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, математик саводхонлик компетенцияларини шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланиш низарда тутилган бўлиши кабилар.

Албатта, умуний санитар-гигиеник ва эстетик талабларга риоя қилиниши таъозо қилинади:

– шрифт катталиги, қонгознинг сифати, ранглар уйгунилигига эътибор қаратилиши;

– ёрқин, рангли, қизиқарли ва чиройли бўлиши;

– бўлим, боб, параграф ва мавзулар матнларининг, машқ ва топшириқлар ракамларининг, сарлаҳаларининг турли шакл ва ранглар билан ажратилиши кабилар.

“Машқ дафтари”нинг тузилиши ва мундарижасида кўйидагилар ако этиши зарур:

1. Ҳар бир мавзу учун кичик ҳажомли назарий маълумот тақдим қилиш.
2. Ўкувчиларнинг мустақил иши учун ижодий машқ ва топшириқларни келтириш.

3. Ҳар бир мавзу бўйича илова, тест саволлари, назорат саволлари, адабиётлар рўйхатини бериш.

“Машқ дафтари”дан дарснинг қайси қисмида фойдаланиш ёки топшириқларни ўйга вазифа учун мўлжаллаш олдиндан белгиланиши мақсадга мувоғик. Агар назарий маълумот келтирилса, уни янги мавзуни ўрганиш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланиш мумкин.

Ўрганилган мавзуни тақоролаш ва умумлаштириш ёки ўйга вазифа учун машқ ва топшириқлар, мустақил иш топшириқлари етарли бўлиши тақозо қилинади.

Ўкува жарабёнига “Машқ дафтари”ни татбиқ қилиш таълим жарабёнини ташкил қилишнинг янги усули ҳисобланади. Албатта, унинг ижобий жиҳатлари мутахассислар томонидан эътироф қилинмоқда: ўкувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашнинг енгиллашиши, уларнинг фанга қизиқишиларининг ортиши, топшириқларни бажариш жарабёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезкор бартараф қилиб бориш имкониятининг мавжудлиги, ўкувчиларнинг билим, кўнижма ва малакаларини адолатли баҳолаш кабилар.

“Машқ дафтари”нинг афзаликлари онфатида яна куйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- топшириқларни мурақаблик даражасига кўра саралаш;
- ўкувчиларнинг топшириқларни бажариш учун сарфлайдиган вактларини тежаш;
- кўт минъдорддаги топшириқларни бажариш имкониятининг мавжудлиги;
- ўқитувчи томонидан кундалик назоратларни амалга ошириш жарабёнида ўкувчиларнинг билим, малака ва кўнижмаларини баҳолаш учун купай шароит яратилиши, ўқитувчилар вактининг тежалиши кабилар.

Хуллас, таълим жарабёнига янги метод ва усуслар, технологияларни олиб кириш, таълим воситаларининг ҳам тақомиллашишига, янги таълим воситаларининг иктиро қилинишига кент имконият яратмоқда.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИYOTLAR:**

1. <http://Lex.uz> “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим муассасалари учун умумитальим фанларидан ўкув-методик маъмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқишига қўйиладиган умумий талаблар”. Ўзбекистон Республикаси қонун хујоатлари тўплами, 2017 й.
2. Аксенова, О. В. Рабочая тетрадь по информатике для первого класса. На правах рукописи. – Барнаул, 1997-1998.
3. Актуальные вопросы формирования интереса в обучении. /Под. ред. Г.И. Щукиной. – М., 1964. – 176 с. Размещено на <http://www.twirpx.com>
4. Щукина, Г.И. Активизация познавательной деятельности учащихся в учебном процессе. – М., 1979. – 160 с. Размещено на <http://nunii.twirpx.com>
5. Чешков Р.О., Ободдина Т.А. Создание и использование рабочей тетради. Размещено на [shgpi.edu.ru](http://shgpi.edu.ru)